



ХАВАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1997 йил, 22 август № 34 (262)

Сотувда нархи эркин

КОНФЕРЕНЦИЯ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 23 июлдаги «Ахборот тизимлари соҳасини қайта ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштиришга оид чоратadbирлар тўғрисида»ги Фармонида почта алоқаси, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар бошқаришни янада такомиллаштириш, бозор муносабатларини ривожлантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнини чуқурлаштириш ва шу соҳага хорижий сармояларни жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигини тугатиш ҳамда унинг негизда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигини ташкил қилиш вазифаси кўйилган эди. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 июлдаги «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 380-сонли қарориди эса бундай агентлигининг ташкилий тизими белгилаб берилганди.

Хар иккала ҳужжатда ҳам Давлат мулки қўмитаси ҳамда умумий фойдаланишдаги телекоммуникация ва почта тармоқларининг ишларини таъминлайдиган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг «Маҳаллий телеком», «Халқаро телеком» акциядорлик компаниясини ташкил қилиш тўғрисидаги тақлифи маъқулланган эди. Ўтган қисқа давр мобайнида Фармон ва қарорнинг ижроси йўли-

да катта ташкилий ишлар олиб борилди. Тегишли барча ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

16 август куни Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги таркибига кирувчи «Маҳаллий телеком», «Халқаро телеком» акциядорлик компаниялари, «Ўзбекистон почтаси» давлат-акциядорлик компаниясининг таъсис конференциялари бўлиб ўтди. Бир кун давом этган конференцияларни Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори А. Ҳ. Жўрабоев олиб борди. Унда агентликнинг бош директори ўринбосарлари, республикамиз вилоятларидаги электралоқа ва почта алоқаси, шунингдек, Тошкент шаҳридаги алоқа қорхоналаридан раҳбар ходимлар ҳамда вакиллар иштирок этишди.

Қизгин ва мунозарали ўтган анжуманларда компанияларнинг низомилари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлари тасдиқланди, раҳбар органлар — кузатув кенгашлари, бошқарув ва тафтиш комиссияларининг таркиблари сайланди.

Тоҳир Гафурович РАҲИМОВ «Маҳаллий телеком», Майрам Авазовна ХОЛМУРОТОВА «Халқаро телеком» акциядорлик компанияларининг, Раҳмонберди Эгамович ЗИКИРОВ «Ўзбекистон почтаси» давлат-акциядорлик компаниясининг Бош директори этиб сайландилар.

Конференциялар ишида республика Бош вазирининг ўринбосарлари К. Раҳимов ва В. Чжен иштирок этди.

қўллашни ўргатади. Қайта ўргатиш курслари компаниянинг юқори малакали мутахассислари томонидан олиб борилади. Малакали мутахассислар билан таъминлаш кунчиқар мамлакат зиммаси-

ҲАМКОРЛИК АСОСИДА

Япониянинг NEC компанияси пойтахт Тошкентда телекоммуникация ва алоқа воситалари бўйича қўшув марказини ташкил қилиш ниятида. Бу ташкилот компанияларни қаторидан мустаҳкам ўрин олган. Мазкур марка Тошкент Давлат университетини қошида шу йилнинг октябрь ойида очилади. Корпорация режалари бўйича марказ тез орада муҳандис ва техникларни замонавий коммуникация ускуналарини амалда

га юклатилган. Маълум бўлишича, NECнинг Тошкентдаги бўлажак маркази умумий қиймати 2 миллион АҚШ долларига тенг бўлган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланади.

Хозирги кунда NEC Япониянинг MITSUI BISSAN савдо воситачи компанияси билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг бутун телефон алоқа тизимини янгилаш бўйича катта ҳажмдаги лойиҳа устида ишлаяпти.

Транс-Осиё-Европа (ТОЕ) алоқа кабел магистралининг республикамиз ҳудудидида қурилиши ниятисига етди. Буюртмачи Шаҳарлараро алоқа ва телевидение ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси Герма-

«Сименс» фирмасининг қуриладиган қатнашган мутахассислари юксак ташкилотчилик қобилиятлари ва иш малакаларини намойиш этдилар. Бутун қурилиш давомида қурилиш-монтаж ишларига 924 миллион сўм ва 24,5 миллион Германия марка-

сўм бўлим мудир К. Гурдаев, «Сименс» фирмасининг Ўзбекистондаги вакили раҳбари жаноб Д. Шрафф, Эрон қурилиш компаниясининг директори жаноб Маҳлуджон Пур ва бошқалар қатнашиб, нутқ

ТОЕ МАГИСТРАЛИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

ниянинг машҳур «Сименс» фирмаси билан ҳамкорликда «аср қурилиши» деб аталувчи бунёд иншоотни зарур материаллар, алоқа жиҳозлари ва молиявий таъминот ҳамда трасса бўйлаб амалга ошириладиган ишлар графигига қатъий риоя қилинишини таъминлади.

Пудратчи — «Алоқинвест» ҳиссадорлик жамияти барча қийинчиликларни енгиб, Ўзбекистон ҳудудидида 926 километрлик шиша-толали кабел ётқириш ишларини тўла амалга оширди. Шунингдек, бошқа иншоотларни ҳам бунёд этди. Ўзбекистон қурувчи-алоқачилари катта иншоотда мурраккаб кабел ҳамда энг мукамал рақамли техника билан илбор иш олиб бордилар. Қурилиш давом этган 18 ой мобайнида Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги барча муаммоли масалаларда қурувчиларга яқиндан ёрдам берди.

си ўзлаштирилди. 1997 йилнинг 18 август тонгида Бухоро вилоятининг Олот тумани ҳудудида, Ўзбекистон ва Туркменистон давлат чегарасида мазкур замонавий алоқа линиясининг ҳудудий участкаларини улашдек тарихий воқеа бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Туркменистон кабелчилари тантанали равишда, ТОЕ шиша-толали кабел магистрални чегараларидаги улашни амалга оширдилар. Бирлаштирилган кабелнинг муфтаси икки давлат чегарасидаги кабел шкафига ўрнатилиб, унга маҳкамланган тахтачада мазкур тарихий воқеа санаси қайд этилди.

Кабелни улашга бағишланган тантанани Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг Бош директори А. Ҳ. Жўрабоев, Бухоро вилоят ҳокими С. Хусенов, Туркменистон Алоқа вазири вазифасини бажарувчи Б. Қурбонмуродов, Туркменистоннинг Либоб вилоят ҳо-

сўзладилар. Улар кабел магистралининг минтақа телекоммуникациясини янгилашдаги, уни жаҳон тизимига интеграция қилишдаги катта аҳамияти алоҳида таъкидланди.

ТОЕ магистрални сафга қўшилди. Яқин орада у иш бошлайди, ўзининг лазер билан зичланган шиша-толали сатҳи бўйлаб аввалига минтақа ҳудудидида, кейинчалик эса Хитойнинг Шанхайдан то Германиянинг Франкфуртигача бўлган улкан масофада миллионлаб телефон орқали сўзлашувларни катта тезлик ва аъло сифат билан ўтказди. Йигирмата давлат ҳудудидаги 27 минг километрлик масофадан ўтувчи юксак замонавий алоқа магистрални миллионлаб мижозларнинг узоғини яқин қилади ва мамлакатлар иқтисодини юксалтириш, халқлар фаровонлигини ошириш йўлида беминнат хизмат кўрсатади.

А. КУДИНОВ

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• Янгиликлар • Воқеалар • Хабарлар

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Мамдўҳ Шавкий Мустафо Комил, шунингдек, Исроил давлатининг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Ноҳ Гал-Гендер ишон ёрлигини топширди.

• Мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Германия Федератив Республикаси Мехнат ва ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги парламент давлат котиби жаноб Рудольф Крауз бошчилигидаги делегация аъзолари республика Мехнат вазирлигида бўлишди.

• Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли санъат саройида Ватанимиз мустақиллигининг 6 йиллиги муносабати билан профессионал бокс бўйича тариҳда биринчи бор халқаро мусобақа ўтказилди.

• Алматыда Марказий Осиё мамлакатлари тадбиркор аёлларининг анжумани бўлиб ўтди. Ўзбекистон тадбиркор аёллари ҳам иштирок этган ишбу учрашувда хотин-қизлар ўртасида ишбилармонлигини янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

• Озарбойжон Марказий сайлов комиссияси Тоғли Қорабоғда 1 сентябрга мўлжалланган президент сайловларини ноқонуний деб топди. Комиссия фикрича, бундай сайловлар барча қочоқлар ўзларининг уйларида қайтиб келганидан сўнггина ўтказилиши мумкин.

• Белоруссияда Россия жамоатчилик телевидениесининг яна 4 журналисти Белоруссиянинг Литва билан чегара қисмидан ноқонуний равишда ўтганликда айбланиб, ҳибсга олинди.

• Исроил-Фаластин муносабатлари тобора чигаллашиб кетмоқда. 30 июлда Қуддусдаги бозорда иккита бомба портлатилиши оқибатида 15 нафар исроиллик халок бўлганидан сўнг

Исроил амалда Фаластин мухториятини қамал қилди. Исроил маъмурлари, шунингдек, Фаластиннинг банклардаги 40 миллион доллар пулини ишлатишга рухсат бермай ҳам қўйдилар. Шу муносабат билан Фаластин раҳбари Есир Арофат Исроилда ишлаб чиқилган маҳсулотлар бойкот қилинишини билдирди. Исроил-Фаластин муносабатларини нормаллаштириш учун бу ерга АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт хоним ташриф буюрмоқчи.

• АҚШ Афғонистоннинг Вашингтондаги элчихонасини вақтинча беркитиб қўйишга қарор қилди. Бунга айрим элчихона ходимларининг Бурхониддин Раббоний ҳуқумати, бошқаларининг эса толибонлар тарафдори эканлиги сабаб бўлди. Ана шундай қарама-қаршилик вазиятида АҚШ маъмурларининг фикрича, элчихонанинг нормал фаолият кўрсатиши мумкин эмас.

• Ҳиндистон халқи миллий байрам — Мустақиллик кунининг 50 йиллигини кенг нишонлади.

Бозор тамойиллари қарор топаётган бугунги шароитда замонавий кадрлар тайёрлаш масаласи энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Мана шу ҳақда жамоатчи мухбиримиз Наманган вилояти давлат электралоқа корхонаси бошлиғи Камолхон БОҚИЕВ билан учрашиб, суҳбатлашди.

— Камолхон ака, маълумки, эндиликда замонавий талабларга жавоб берадиган мутахассислар ҳар бир соҳага, жумладан, алоқа тизимига ҳам сув билан ҳаводек зарур. Шундай эмасми?

— Ҳозирча соҳамизда шу куннинг талабига мос келадиган мутахассислар жуда озчиликни ташкил этади. Бу билан мўлжалдаги реал мақсадларни рўйбага чиқариш қийин.

Соҳада ҳақиқий, билимдон мутахассисга талаб катта. Бу шунчаки гап эмас. Очирок айтидиган бўлсам, кейинги йилларда виллоятимиздан алоқа тизимидаги ўқув юртларига ўқишга кириш истаги бўлган ёшларнинг миқдори кескин камайиб кетди. Мисол учун, 1994 йили Тошкент электротехника Алоқа институтига виллоятимиздан бор-йўғи бир киши кирди, холос. Бу бизни бефарқ қолдирмайди, албатта. Тезлик билан амалий чора-тадбирлар

УМИД БИРЛА СУҚИЛГАН НИҲОЛ...

кўришга тўғри келди. Ишни жойларда мактаб, гимназия ва лицей битирувчилари билан алоқачи-мутахассисларнинг учрашувларини ташкил этишдан бошладик. Шу тариқа ёшларни касбга йўналтириш ишлари олиб борилди. Алоқачилик касби, меҳнат шaroитлари, ижтимоий Ҳимоялиши, тармоқнинг сўнги йиллардаги ривожланиши ҳамда хорижий давлатлар билан йўлга қўйлаётган ҳамкорликлар ҳусусида, шу билан бир вақтда алоқа ўқув юртлари ҳақида ҳам атрофлича маълумотлар берилди.

— Улуғ немис адиби Гёте «Умид бирла суқилган таёқ бир кун берар меваяпрок» деган экан. Айтмоқчиманки, сизларнинг саъй-ҳаракатларингиз бугунги, эртаими ўз самарасини кўрсатади, албатта.

— Иншоллоҳ, қилаётган ишларимизнинг натижаси ҳозирдаёқ кўзга ташланиб қолди. Биз 1995 йили танлов асосида 20 нафар йигит-кизи ни саралаб олдик. Наманган Давлат университети билан шартнома тузиб, улар учун тайёрлов бўлимлари очилди. Тест синовларидан 18 абитуриент муваффақиятли ўтиб, талабалика қабул қилинган кун хурсандчилигимизнинг чеки йўқ эди.

1996 йилда бу иш икки босқичда ўтказилди, аввал туманларда, сўнгра виллоят марказида танловлар уюштирилиб, 500 дан ортқ истеъдодли ёшларнинг билимлари синаб кўрилди. Улардан 35 нафари танлаб олинди, малякали ўқитувчилар ёрдамида тайёрлов бўлимларида ўқитилди. Шуниси қувончлики, уларнинг 33 нафари тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, талабалик бахтига мушарраф бўлишди.

— Билимга чанқоқ ёшларни саралаб, маълум бир ўқув даргоҳларига йўллаш билан кифояланиб қолмайяйсизларми?

— Фикрингизни тушундим. Ҳозирги кунда Тошкент электротехника Алоқа институтининг кундузги бўлимида 76 нафар, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 12 нафар виллоятимиз ўғил-кизлари тахсил олмақда. Шунингдек, Тошкент Алоқа коллежининг кундузги бўлимида 27 нафар, сиртки бўлимида 15 нафар ёшларимиз ўқишяпти. Талабаларимизни ижтимоий Ҳимоялаш мақсадида белуш тушли қилиш ҳамда ётоқхона шaroитларини яхшилаш учун 260 минг сўм маблаг ажратдик. Бундан ташқари, корхонамиз ҳисобидан кўшимча стипендиялар жорий этилди.

Сиртдан ўқиётган ёшларга ҳам бирмунча қулайликлар яратдик. Жумладан, ўқиётган ҳар бир ходимга навбатдаги ўқув сессияси олдиндан бир ойлик маош миқдоридан моддий ёрдам бериб бориш йўлга қўйилди. Йўл харажатлари юз фоиз корхона ҳисобидан тўланапти. Меҳнат таътиллари уларнинг хоҳишига қараб ўзлари истаган пайтларда берилди.

— Мутахассис сифатида алоқа ўқув юртларида тайёрланаётган кадрлардан қониқиш ҳосил қилайсизми?

— Назаримда, алоқа ўқув юртларида берилаётган сабоқ бўлаётган ўзгаришлардан, янгиликлардан ортда қолгандай. Таълимни ислоҳ қилиш кун тартибига қўйлаётгани ҳам бежиз эмас. Биргина корхонамизнинг ўзида қисқа фурсат ичида қанчадан-қанча техника ўзгаришлари бўлди. Айтмоқчиманки, эндиликда талабаларга кўпроқ ҳозирги давр техникаси, компьютер билан муомала қилиш, замонавий маълумотларни узатиш тизими ҳақида маълумотлар берилиши зарур.

Менимча, таълим савиясини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш даркор. Кадрларни мақсадли тайёр-

лаш асло фойдадан холи бўлмайдди. Шунингдек, халқаро ва ҳужалик менежменти, маркетинг ҳамда менежер соҳалари бўйича чуқур билим берадиган махсус бўлимлар очилиши ҳам ўйлаб кўриш керак. Бўлғуси алоқачиларнинг ҳуқуқий билимлари ҳам бугунги кун талабидан анча орқада.

Шу йилнинг март ойида Тошкент электротехника Алоқа институтининг домлари корхонамизда бўлишди. Улар билан кўп масалаларда фикрлашиб олдик. Институт билан шартнома тузишга келганда баъзи бир ўринларда келиша олмаган жойларимиз ҳам бўлди. Масалан, биз талабалар 5 йил ўқиш жараёнида инглиз тилида эркин гаплашиш ҳамда инглиз тилидаги техник ҳужжатлар билан тўлиқ ишлаш қобилиятига эга бўлиш шарт деган таклифни киритдик.

Шунингдек, институт билан корхона ўртасида ўзаро алоқа механизми аниқ бўлиши керак, деган фикрларимиз. Шартнома мuddати бир йилдан ошмаслиги даркор. Чунки бахсли масалалар туғилиб қолгудек бўлса, якуний натижаларга қараб шартнома мuddати ва мажбуриятларининг кўриб чиқилиши осонроқ кечади.

— Суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош Аҳмаджон ТҮЙЧИБОВЕВ,
Наманган вилояти



Нукус шаҳар электралоқа боғламасининг катта муҳандиси Кенесбай ЖОЛДАСБАЕВ ва ёш электромантўр Аҳмед ТОРЕМУРАТОВ телефон шхафини назоратдан ўтказишмоқда.

Суратқаш
Д. МУРТОВ

Луқмонжон Комилов Боғдод туманидаги Кўштегирмон қишлоқ алоқа бўлимида 1970 йилдан бери почтачилик қилади. Бу давр ичида Кўштегирмон, Мо-

ларига топширди. Хат мазмунини билан танишган ота-она ўзида йўқ хурсанд бўлишди. Ўз навбатида бу қувонч почтачига ҳам юкди.

АРДОҚЛИ ПОЧТАЧИ

зорбоши, Янгиқишлоқ, Кўрғонча ва Пастмаҳалларда унинг оёғи етмаган хонадон қолмаган десак муболага бўлмайди. Каттаю кичик Луқмонжонни ўзларининг энг яқин кишилари қаторида ҳурмат қилишади.

Пастмаҳаллик Носиржон аканинг ўғли Жўрабек ҳарбий хизмат ўтаётган қисмдан уйига тез-тез хат йўллаб соғлиги, хизматидаги муваффақиятлари тўғрисида оила аъзоларини хабардор қилиб турар эди. Нима бўлдию кейинги 15 кундан ундан хат келмай қолди. Жўрабекнинг ота-онаси хавотирланиб ўтиришганида Луқмонжон почтачи хонадон эшигини тақиллатиб қолди. Унинг келиши беҳуда хавотирга ўрин қолдирмади. Носир ака почтачини ҳурматини ўрнига қўйиб, толган-тутгани билан уни меҳмон қилди. Луқмонжон аскар йигитдан келган хатни уй соҳиб-

Шунга ўхшаш воқеалар Луқмонжон хаётида кўплаб учраб туради. У узоқдаги қариндош ёки ҳарбийдаги аскардан хат-хат олган киши қувонса-кувонади, қайғурса-қайғуради. Хуллас, почтачи истайдимиз-йўқми одамларнинг барча кўнгли кечинмаларига шерик бўлади. Шу боис ҳам эл доимо ўз хабарчиларининг ҳурматини жойига қўяди.

Уруш фахрийси Орзбобой Фаёзуллаев, меҳнат фахрийлари Назиржон Матқулов ва Нишонбой Акбаровлар ҳам почтачи Луқмонжоннинг хизматида миннатдор бўлишиб «Почтачидан ёлчиганмиз, уни ҳаллолгию, ширинсуханлигини кўриб қувонамиз. Йлоҳим, юртимизда ана шундай одамлар кўпаяверсин» дейишади.

Қ. ТУРСУНОВ,
Фаргона вилояти

СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШМОҚДА?

1. Алоқа хизмати Сизни қониқтирадими?

2. Алоқа соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ қандай таклиф-мулоҳазаларингиз бор?

Феруза ШОДИЕВА,

Республика радиоси, «Машъал» Бош тахририятининг муҳаррири, шоира:

1. Алоқа хизматидан қониқаман. Алоқачиларнинг заҳматли меҳнатларини ҳар бир телефон кўнғироғидан сезиб тураман. Худди гўшакдан уларнинг юраги уриб тургандек туюлади менга...

2. Бу борада анчагина таклиф-мулоҳазаларим бор. Алоқа соҳасини ҳаётимизнинг асосий қон томирига менгзайман. Унда оқаётган ҳар бир ахборот алмашинувлар, хабарлар оқими ҳаётимизнинг бевосита давомийлигини таъминлайди.

Алоқачилар мана шуни яхши билганлари ҳолда алоқа техникалари, жиҳозлари, ер ости кабел линияларини қатъий назорат остида таъмирлаш каби ишларни олиб бормоқдалар. Шунингдек, бу соҳага хорижнинг замонавий алоқа техникалари, жиҳозлари келтирилиб, ўрнатилган ҳам қувончли ҳол. Бундай эзгу ишлардан барчамиз қувонамиз. Лекин айни пайтда алоқачи олимларимиз ҳам ана шундай замонавий алоқа техникалари яратишни ўз олдларига қатъий мақсад қилиб қўйсалар айни мuddао бўларди. Ахир қачонгача хориждан сотиб оламиз? Ҳаётнинг ўзи аввало биздан мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланишимизни такозо этмоқда.

Солиҳ ЗОИР ёзиб олди

• Алоқа матбуот кўзгусида

ПОЧТАГА ТЎСИҚЛАР ПИСАНД ЭМАС

Ҳиндистонда почта хизмати жуда яхши йўлга қўйилган. Маҳаллий аҳоли хат ва газеталарни ўз вақтида олиб туради. Бу ерда почта хизмати замонавий воеиталар билан жиҳозланган.

Аммо... Мамлакат худудининг кўп қисми тоғ, чангалзор ва саҳродан иборат. Бу жойларга почта синалган воеиталар ёрдамида етказилади. Масалан, Агама тоғли чангалзорларига филлар, Ражастон саҳросига туялар, тоғли сўқмоқларга эса хачирлар қатнайди.

МУКОФОҲИ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигига қарашли «Алоқинвест» акциядорлик жамияти раиси Абдунаби ТОҒАЙЛИЕВ «Шухрат» медали ва «Алоқинвест» акциядорлик жамияти Фаргона алоқа механизациялашган кўча колоннасининг лавандловчиси Валижон Давлатович МАҲМУДОВ «Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи» билан мукофотланди.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ҳурматли Диляфза ҚОДИРОВА!

Сизни туғилган кунингиз билан чин дилдан қутлаб, узоқ умр, сihat-саломатлик ҳамда алоқа соҳасидаги ишларингизда омад тилаймиз.

Ҳамкасбларингиз,
Фаргона вилояти

Сўз санъатининг илк кўриниши асотир (миф), афсоналар заминиди шаклланиб боради. Аммо одамлар қачондан бошлаб сўз орқали бир-бири билан муоамала қилганини билмаймиз. Ёзув пайдо бўлгач, муоамала қилиш бирмунча осонлашди, узоқ жойларга хабар етказиш имконияти туғилди.

Илк ёзув бугунги ёзувларимиздан бутунлай фарқ қилади. Куйидаги тарихий воқеа шундан гувоҳлик беради.

Доро ўзига бўйсунмаганларнинг таъзирини бергач, урушқоқ кўчманчилар — скифларнинг адабини бериб қуйишга қарор қилди. Доро ўзининг 700 минглик армиясига ишонар эди. Аммо кўчманчиларнинг адабини бериш осон эмас эди.

ди. Мактубда бундай дейилган эди: «Тентак, икки йўлдан бирини танла, имконинг бор. Аммо сен қочиб юрибсан. Агар менга қарши турчи кучинг етса, дайдиб юришдан тўхта, мен билан жанг қил. Агар заифлигингни тан олсанг, қочиб овора бўлма, ер-сувингни ўз султонинга сийлов қилиб бергинда, келишув битими тузгин».

Иданфрис ҳам жавобни кечиктирмади: «Менинг аҳолим бундай, шоҳ. Мен авваллари ҳам бирор кимсадан қўриқиб қочмаганман. Ҳозир ҳам сендан қўриқмайман, унингани йўқ. Тинчлик вақтида қандай йўл тутган бўлсам, ҳозир ҳам шундай йўл тутялман. Сен билан дарҳол жанг қилмаганимнинг боиси бундай: Шаҳарларимиз ёки экин экадиган ерларимиз бўлсаки, уларни талон-тарож қилиниши ва яқсон бў-

кун кўради ва инсонлардай ерда битадиган ноз-неъматлардан баҳраманд бўлади. Бақа сувда яшайди, бинобарин, сақлар ўзларини ер-суви билан Эрон шоҳи ихтиёрига топширмакчилар. Уқлар эса скифларнинг эронликлар оёғи остига қуролларини ташлаб, таслим бўлганини билдиради.

Скифлар совғасини бундай шарҳлашга баъзилар ишонмади. Фақат Доронинг маслаҳатчиси Гобрий жуда тўғри шарҳлади: Совга скифларнинг шарти бўлиб чиқди: «Агар сиз, эронийлар, қуш каби учиб гоийб бўлмасангиз, ё сичқон каби ер тағига кириб кетмасангиз, ё қурбака сингари ботқоқликка шўнғимасангиз, у ҳолда ўқлардан шикаст еб, шу ерларда қо-



Қани, ким зўр чиқаркин!..

ЁЗУВЛАР — ЎТМИШ СИРЛАРИ ШОҲИДИ

• Мозийдан садолар

Отда юришда, найза отишда уларга тенг келадигани йўқ эди. Буни Доро тан олишни истамаса ҳам, маслаҳатчилари доимо огоҳлантириб турардилар.

Доронинг беҳисоб қўшини кўчманчи скифлар ерига осонликча бостириб кирди. Эгчил ва доворак скифлар Доро қўшинларини кўп доғда қолдирарди. Доро скифлар ерига осонликча бостириб кирганидан хурсанд, уларнинг ҳийласи Доронинг тушига ҳам қирмаган эди. Тунда кичик-кичик скиф отрядлари эронийларнинг олдинги қисмларига қўқисдан ҳужум қилиб, қириб ташлардилар. Пистирма-лар эронийларнинг тинқасини қуритди. Скифлар эроний қўшинлари турган жойларни ёндириб юборар, ёнгин босқинчиларга талай ташвиш ва талофот етказарди. Скифлар уруши ҳақиқий партизан урушини эслатарди.

Доро қўшинлари борган сари сийраклашаверди. Барибир, улар скифларни таъқиб қилишни давом эттирдилар, аммо натижа чиқмади. Доронинг сабр-тоқати тугаб, скифлар шоҳи Иданфрисга мактуб йўлла-

лишидан кўрсак. Шул сабаб сизлар билан дарҳол жанг бошламадик. Агар жанг қилишни жуда истасангиз, оталаримизнинг қабрларини топиб, уларни оёқ-ости қилишга уриниб кўринглар, жанг қиламизми, йўқми, кейин биласизлар. Бу жанг ҳақида айтганим. Мен ўз султоним, ҳукмдорим деб Зевс билан Гестияни, скифлар маликасини ҳисоблайман. Сенга эса сийлов қилиб ер-сув ўрнига бошқа нарсаларни юбораман. Ўзингни менга султон, ҳоким деб ҳисоблаганинг учун хали адабингни ейсан!»

Иданфрис мағрурона жавоб берган, айтганлари қуруқ гап эмас эди. Доро скиф даштарининг ичкарисида мушқул ахволга тушиб қолган кунлари скиф шоҳи истилочиларга галати совга — қуш, сичқон, бақа ва бешта ўткир ўқ юборди. Эронийлар совганинг маъносини чопардан ҳар қанча сўраб-суриштирмасин, бир хилдаги жавобни эшитишди: унга «совгани топшириш бюрилган, холос.

Эронийлар совганинг сирли маъносини ечишга кўп уриндилар. Доро муғомбирлик қилди ми ё ҳақиқатан ҳам шундай тушунди ми, совганинг маъносини ўз фойдасига ҳал қилди. Сичқон ер юзида

либ кетасиз».

Гобрий ҳақ бўлиб чиқди. Эронийларнинг кучи борган сари камайди. Кўп ўтмай, Доро шармандаларча орқага чекинди. У шиддат билан ҳужум қилиб, яна аллага қаяққа қадир бирпасда гоийб бўлаётган скиф отлиқларининг дўлдэк ўқ ёғдиришига бардош беролмади.

Кутилмаган воқеа юз берди: Доро подшоҳлиги шармандаларча мағлубиятга учради. Скифлар ва уларнинг шоҳи Иданфрис оламшумул ғалаба қозонди.

Ҳикоядаги қуш, сичқон, бақа, ўқ биз учун аҳамиятли. Улар ёзувнинг вазифасини бажарган, уни ҳозир «буюмли ёзув» деб юритишди. Бу ёзув тур айни пайтда санъатнинг ноёб намунасидир. У ибтидоий санъат заминиди юзга келди. Одамлар эраимиздан аввалги 40-10 минг йиллар — палеолит даврида чизилган расмларни топиди. Қадимги одам тошни ўйиб нақш солган, сўзга белгилар ўйган, ғор деворларига ҳайвонлар — бизон, мамонт, оху, қарқидон, от, буғу ва одамларнинг тасвирини чизган. Хуллас, дунёни билганича тасвирлаган.

Насимхон РАҲМОН

• Ажаб дунё

ҒАЛАТИ ВАЗИФА

Қадимги Рим ҳукмдорлари шаҳар хизматчилари орасида ғалати бир вазифани жорий этишганди. Бу вазифани зиммасига олган шахс эртадан бошлаб бўки қолгунча спиртли ичимлик ичиши, чўчқадай лой-балчиқларда ағанаши, шу аҳволда шаҳар айлиниши, сўкиниши, дуч келган одамга шилқимлик қилиши, сенаторларнинг га-

шига тегиши, уят сўзлар билан қўшиқ айтиши ва ниҳоят, шу аллозда хуррак отиб, пишқириб ухлаб қолиши лозим эди. Ичкиликка кетадиган харажатлар шаҳар ҳокимлигига тегишли эди.

Хўш, бу иш нима мақсадда қилинар эди? Рим ҳукмдорлари ёшлар ҳар куни бундай антика манзарани кузатиб юрсалар, келгусида ичкиликка ружу қўймайдилар деб баҳолашган. Айтишлари-

ча, ҳақиқатдан ҳам бундай чора самарасиз бўлмаган.

— Ана бу чўчқага қара! — деган ёш Юлий Цезарь навқирон Цицеронга. — Қудратли Юпитер номи билан қасамдэ этаманки, мен озимга минбад ичкилик олмайман!

Хуллас, қадимги Римда соғлиққа зарарли, обрўсиз, кам маошли, аммо ижтимоий мухитни соғломлаштирувчи ана шундай лавозим бўлган.

Орамизда бундай вазифани «жамоатчилик асосида», «муваффақиятли» бажариб юрадиган кимсалар ҳам йўқ эмас...

МУАССИС: Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бosh муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖУРАБОВ Шухрат ЖАББОР

Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бosh муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Ёқубжон ХУҲАМБЕРДИ
Бобоҳон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўрвий АҲМЕДОВ
ОТАУЛИ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Меҳмонкул ИСЛОМКУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КўНЛАРИ ЧИКАДИ

Муҳарририятга келган кўлемзалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Ҳўяҳатга олиш №000011. Буюртма № Г-0553. 9666 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табак.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ДОНОЛАР АЙТАДИЛАР

Афлотун сўзи:

— Одамлар тўрт хилдир. Биринчиси шундайки, ваъда бермайди, аммо сўралган ишни адо қилади. Иккинчиси, ваъда беради, аммо бажармайди. Учинчиси, ваъда бермайди ҳам, бажармайди ҳам. Тўртинчиси, ваъда берадилар ва албатта, бажарадилар.

Сосонийлар сулоласидан Ардашер ибн Бобак шундай деган эди:

— Тўрт нарса тўрт нарсасиз бўлмайди: хурмат — адабсиз, шодлик — тинчликсиз, дўстлик — муҳаббатсиз ва ақл — тажрибасиз!

Бир улуг киши айтди: «Кишининг қалбиди тўрт гавҳар бўлиб, бу тўрт гавҳарнинг тўртта душмани ҳам бўлади. Биринчиси — ақл гавҳаридир. Унинг душмани ғазабдир. Иккинчиси — илм гавҳари. Унинг душмани такаббурликдир. Учинчиси — қаноат гавҳари. Унинг душмани ҳирсдир. Тўртинчи — сахийлик гавҳари. Унинг душмани таъмадир».

Ҳикоят. Кисронинг хазинасидан куйидаги тўрт сатр ёзилган лавҳани топиб олдилар. Унда шундай ёзилган эди: «Ҳар кимнинг илми бўлмаса обрўйи бўлмайди, ҳар кимнинг дўсти бўлмаса, кучи бўлмайди, ҳар кимнинг фарзанди бўлмаса, кўзининг нури бўлмайди ва ҳар кимнинг яхши хотини бўлмаса тинчлиги бўлмайди».

Арасту сўзи:

— Ғамсиз яшашнинг белгиси тўрт нарсадир. Булар — яхши сўз, яхши феъл, яхши ният ва яхши суҳбат.

ЯНГИСИДАН ЎҚИНГ

— Нега велосипед минганинда ҳамшира болангни бирга олиб юрасан? Ахир у тинмай бақиради-ку?!

— Велосипедимнинг кўнғиргои ишламайди-да...

— Нега бошингни боғлаб олдинг?

— Чивин чаққан эди.

— Бошининг ҳаммаёғини боғлаш шартмиди?

— Акам чивинни белкурак билан урган эди.

Эр хотинига деди:

— Азизам, мен ҳаётимни юз минг долларга сугурта қилдим.

— Жуда ажойиб иш бўпти, жонгинам. Энди сен ҳар куни дўхтирга югураверишинг шарт эмас.

Тиш дўхтири қабулхонасида она боласига деди:

— Энди «А-а-а» дегин, амакинг кўлини чиқариб олсин!

Хотин эрини кўргани қамоқхонага келди.

— Болалар савол бериб ҳоли-жонинга қўйишмапти.

— Отам қаерда дейишмаптими?

— Йўқ, ўмарган нарсаларингни қаёққа гумдон қилганингни сўрашяпти.

Рассом галарей эгасидан сўради:

— Менинг ишларимга қизиқаётганлар борми?

— Кеча бир жаноб «Бу ишларнинг нархи рассомнинг ўлимидан сўнг кўтариладими?» деб сўради. Мен «О, албатта!» деганимда у бир қанчасини сотиб олди.

— Жуда соз! Хўш, ким экан ўша жаноб?

— Сизнинг даволловчи дўхтирингиз.
